

# ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ № 129089

« 10 » август 2022 йил

Тошкент шаҳар.

“Уранкамёбметгеология” АЖ Бошқарув раиси Йулдашев Шерали Ёркулович, Низом асосида иш юритувчи, бундан буён «Буюртмачи» деб аталувчи бир томондан ва Геологика термозчи ходимлари малакасини ошириш институти, раҳбари директор И.Б. Турмушев Низом асосида иш юритувчи, бундан буён «Бажарувчи» деб аталувчи, иккинчи томондан куйидагилар тўғрисида шартнома тузадилар:

## 1. Шартнома предмети

1.1 «Бажарувчи» «Буюртмачи» томонидан буюртма қилинган **“Геологлар, техник-геологлар, муҳандис-техник ходимларнинг малакасини ошириш ишчи ходимларни қайта тайёрлаш бўйича замонавий педагогик технологиялар асосида назарий (анъанавий ва масофавий), амалий (ишлаб чиқариш базаларида) ва мустақил машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш”** мажбуриятини олади, «Буюртмачи» эса иш хажми бўйича бажарилган (хизматлар) ишларини қабул қилиб, мазкур шартнома шартлари асосида тўловларни амалга оширади.

### Ўқув курси мавзулари:

1. “Геология-кидирув ишлари услубияти. Маъдан ва номаъдан фойдали казилма конларини излаш, разведка қилиш ва баҳолаш ишларининг замонавий услубиятлари бўйича амалий ва мустақил машғулотлар ташкил этиш ва ўтказиш”.
2. “Палеонтологик казилмаларни амалий урганиш, геологик тасвирлаш ишлари олиб боришда палеонтологик казилмалар характеристикаси ва ёшини аниқлаш ҳамда уларни туплаш ишларини дала шароитида, амалий ва мустақил машғулотлар ташкил этиш ва ўтказиш”.
3. “Фойдали казилма конларини Маъдан ва номаъдан фойдали казилма геофизик усуллари дала шароитида, ўтказиш”.
4. “Табиий очилмалар, тоғ-кон хужжатлаштириш: намуналаш. Маъдан разведка ишларини олиб боришда дастлабки геологик хужжатлаштириш ва намуналаш ишларини дала шароитида амалий ва мустақил машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш”. тайёрлаш. Маъдан ва ишлари лойиха-смета амалий ва мустақил излаш ва разведка қилишнинг геофизик усуллари. конларини излаш ва разведка қилишнинг замонавий амалий ва мустақил машғулотлар ташкил этиш ва иншоотлари ва бургилаш кудукларини дастлабки ва номаъдан фойдали казилма конларини излаш ва разведка ишларини олиб боришда дастлабки геологик хужжатлаштириш ва намуналаш ишларини дала шароитида амалий ва мустақил машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш”
5. Геология кидирув ишларининг лойиха-смета хужжатларини номаъдан фойдали казилма конларини излаш ва разведка қилиш хужжатларини тайёрлашда замонавий талабларни қўллаш бўйича машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш”.
6. “Минералогик ва геохимёвий тадқиқотларнинг замонавий усуллари. Маъдан ва номаъдан фойдали казилма конларини излаш ва разведка қилишнинг замонавий минералогик ва геохимёвий тадқиқотларнинг амалий ва мустақил машғулотлар ташкил этиш ва ўтказиш”.
7. “Ўзбек-лотин алифбосини урганиш ва давлат тилида иш юритиш. Маъдан ва номаъдан фойдали казилма конларини излаш ва разведка қилиш ишлари ҳисоботларини тайёрлашда геология терминологияси бўйича амалий ва мустақил машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш”.



8. “Фойдали казилма конларининг геологияси, излаш ва разведка килиш. Маъдан ва номаъдан фойдали казилма конларини излаш, разведка килиш ва бахолаш ишларининг замонавий услубиятлари буйича амалий ва мустакил машгулотлар ташкил этиш ва утказиш”.
9. “Гидрогеология, мухандислик геологияси ва геоэкологияси. Ер ости сув конлари геологияси, излаш, разведка килиш ва геоэкологияси. Ер ости сув конларини излаш, разведка килиш, бахолаш ишларининг замонавий услубиятлари ва геоэкологияси буйича амалий ва мустакил машгулотлар ташкил этиш ва утказиш”.
10. “Геология кидирув ишларида махсус автотранспорт воситаларидан хавфсиз фойдаланиш, ишлатиш ва хавфли юкларни ташиш буйича мухандис техник-ходимларни масъуллигини ошириш буйича амалий ва назарий (50/50) укув курсларини ташкил этиш ва утказиш (дала шароитида)”.
11. “Уран конларини излаш ва разведка килиш учун бургилаш ишларининг техника ва технологиясини уран конларини излаш ва разведка килиш ишларини олиб боришда кулланиладиган замонавий техника ва технологияларни жорий этиш буйича дала амалий ва назарий (50/50) тайёрлаш курсларини ташкил этиш ва утказиш”.
12. “Геология кидирув ишларида замонавий техника ва ускуналаридан тугри, унумли фойдаланиш буйича механик мутахассисларни амалий ва назарий билим ва куникмаларини шакллантириш укув курсларини ташкил этиш ва утказиш (дала шароитида)”.
13. “Геология кидирув ишларини олиб боришда меҳнатни муҳофаза килиш ва саноат хавфсизлигини таъминлаш буйича меҳнат муҳофазасини бошқариш тизимининг асосий ташкилий, техникавий ва бошқа ҳужжатларини юритиш буйича амалий ва мустакил машгулотларини ташкил этиш ва утказиш”.
14. “Геология кидирув ишлаб чиқаришида жароҳатланишнинг олдини олиш ва жароҳатланганларга биринчи ёрдам курсатиш, жароҳатланишнинг олдини олиш, турли шароитларда биринчи ёрдам курсатишнинг замонавий назарияси асосида амалий ва мустакил машгулотларини ташкил этиш ва утказиш”.
15. “Хавфли юкларни ташиш коидалари ва ташиш жараёнини тартибга солиш, инсон билан боғлиқ бахтсиз ходисалар, моддий зарар ёки атроф муҳитга, ишлатилган транспорт воситаларига ёки бошқа товарларга зарар етказишнинг олдини олиш ҳамда ҳужжатларини юритиш буйича дала шароитида амалий ва мустакил машгулотларини ташкил этиш ва утказиш”.
16. “Компьютер технологияларидан фойдаланиб маъдан ва номаъдан фойдали казилма конларини излаш ва разведка килиш ишларида замонавий дастурий маҳсулотлари Mapinfo, ArcGis-ArcMap, Micromine дан фойдаланиб геологик хариталарни рақамли турларини яратиш ва захираларни ҳисоблаш буйича амалий ва мустакил машгулотларини ташкил этиш ва утказиш”.
17. “Компьютер технологияларидан фойдаланиб маъдан ва номаъдан фойдали казилма конларини излаш ва разведка килиш ишларида замонавий дастурий маҳсулотлари GLOBAL MAPPER, ERDAS IMAGINE ва EKY1дан фойдаланиб геологик хариталарни рақамли турларини яратиш ва захираларни ҳисоблаш буйича амалий ва мустакил машгулотларини ташкил этиш ва утказиш”.
18. “Геология кидирув кудукларини бургулашнинг замонавий техника ва технологиясини ҳар турдаги маъдан ва номаъдан фойдали казилма конларини излашда банд буладиган бургилаш қурилмаси машинистлари ва машинист ёрдамчилари тайёрлаш буйича амалий тайёрлаш курсларини ташкил этиш ва утказиш”.
19. “Каротажник (ГИС оператори) касбий йуналиши буйича каттик фойдали казилмалари ва нефть, газ конларини кидириш ва разведка килишда бургулаш кудукларида замонавий



геофизик тадқиқотлар олиб боручи мутахассисларни тайёрлаш ва касбий маҳоратини ошириш буйича амалий ва назарий (50\50) укув курсларини ташкил этиш ва утказиш”.

20. “Геология кидирув ишларида олинган намуналарни меъёрий хужжатларга мувофиқ сертификатланган аналитик усуллар буйича маҳсулотлар, котишмалар, ярим тайёр маҳсулотлар, материаллар ва ишлаб чиқариш чикиндиларидаги кимматбаҳо металлларнинг таркибини таҳлил қилиш ишларни амалга ошириш буйича амалий ва назарий тайёрлаш курсларини (50/50) ташкил этиш ва утказиш (дала шароитида)”.

21. “IV тоифали бургилаш машинистларини V тоифага утказиш касбий йуналиши буйича геология кидирув ишларида кулланиладиган бургилаш усқуналарида ишлаётган тажрибали машинистларни IV тоифадан V тоифага утказиш буйича амалий ва назарий (50\50) тайёрлаш курсларини ташкил этиш ва утказиш”.

22. “Фойдали казилма конларини кидириш ва разведка қилиш ишларида олинган геологик намуналарни майдалаш ва сайкаллашда замонавий техника ва технологиялари куллашнинг амалий ва назарий тайёрлаш курсларини (50/50) ташкил этиш ва утказиш (дала шароитида)”.

23. “Геология кидирув ишларида ишлатиладиган усқуналарга техник хизмат курсатишнинг амалий ва назарий тайёрлаш курсларини (50/50) ташкил этиш ва утказиш (дала шароитида)”.

1.2 Назарий (анъанавий ва масофавий), амалий (ишлаб чиқариш базаларида) ва мустақил машғулотлар тугагандан сўнг “Давлат белгиси” ДУК томонидан тайёрланган ва рўйхатдан ўтказилган маҳсус гувоҳнома берилади.

1.3 Буюртмачи ўқув курси учун тўловни ўз вақтида амалга ошириш, шунингдек дала амалиёти машғулотлари давомида тингловчиларнинг умумий техника хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси ва шахсий хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилишни назорат қилиш мажбуриятини олади.

## **2. Бажариладиган иш хажмининг нархи ва умумий қиймати**

2.1 Бажариладиган иш хажмининг умумий қиймати Республикамиз миллий валютаси сўмда белгиланади.

2.2 Шартнома умумий суммаси 829 669 500 (Саккиз юз йигирма тўққиз миллион олти юз олтмиш тўққиз минг беш юз) **сўм 00 тийин, ҚҚСсиз.**

## **3. Тўлов шартлари**

3.1 “Буюртмачи” шартнома тўлиқ қийматининг 15% миқдорда 10 банк кунда «Бажарувчи»нинг ҳисоб рақамига олдиндан тўловни амалга оширади.

3.2 «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1. банди талаблари бажарилмаган тақдирда «Бажарувчи» шартномада кўрсатилган иш хажмини бажармасликга ҳақли бўлади.

3.3 «Буюртмачи» тўловларни бажарилган иш (кўрсатилган хизмат, далалатномаси, ҳисоб-фактура)га асосан шартномадаги умумий суммадан чикмаган ҳолда амалга оширилади.

3.4 «Буюртмачи» қолган тўловларн хар ой яқунлангач тақдим этиладиган, амалда бажарилган хизматлар ҳажми кўрсатилган “Далолатнома” ва ҳисоб-фактураларга асосан амалга оширади.

## **4. Ишнинг бажарилиш тартиби**

4.1. Шартноманинг умумий суммасидан чикмаган ҳолда «Бажарувчи» шартномада кўрсатилган ишларни тўлиқ бажариши шарт.

4.2 Шартноманинг 3.1. бандига асосан пул маблағлари «Бажарувчи» нинг ҳисоб рақамига ўтказилгандан сўнг “Буюртмачи” томонидан тасдиқланган дала амалиёти “Жадвал-маршрути”да кўрсатилган муддатларда шартномадаги ишлар бажарилиши шарт.

4.3. Шартномада кўрсатилган иш хажмини «Бажарувчи» «Буюртмачи»га топширгандан сўнг иш тўлиқ бажарилган ҳисобланади.

## **5. Томонларнинг мажбуриятлари**



#### 5.1 **"Бажарувчи"** кўйидагиларни ўз зиммасига олади:

- **"Буюртмачи"**ни дала амалиёти бошланишидан камида 3 (уч) кун олдин (хат, Телеграмма, факс ва бошқаларни юбориш орқали ёзма равишда) хабардор қилиш;
- назарий (анъанавий ва масофавий), амалий (ишлаб чиқариш базаларида) ва мустақил машғулотлар муваффақиятли тамомлаган тингловчиларга белгиланган намунадаги "Давлат белгиси" ДУК томонидан тайёрланган ва рўйхатдан ўтказилган махсус гувоҳнома бериш;
- гувоҳномаларни **"Буюртмачи"**га томонлар бажарилган ишлар далолатномаси тасдиқлаб, ҳисоб-фактурасини имзолагандан сўнг бериш.

#### 5.2 **"Буюртмачи"** кўйидагиларни ўз зиммасига олади:

- назарий (анъанавий ва масофавий), амалий (ишлаб чиқариш базаларида) ва мустақил машғулотлар бошланишидан камида 3 (кун) олдин **"Бажарувчи"**га номзодлар рўйхатини тақдим этиш;
- шартномада келишилган сумманинг 15% тўлаш, **"Бажарувчига"** га шартноманинг иккинчи асл нусхасини ва ташкилот томонидан тасдиқланган банк тўлов топшириқномасининг нусхасини тақдим этиш;
- номзодларни белгиланган муддатларда юбориш ва уларнинг дала амалиёти давомида тўлиқ иштирок этишини таъминлаш;

### 6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1. Томонлар шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси ва 29.08.1998-йилдаги 670-И-сонли «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунига асосан жавобгар бўладилар.

6.2. Тўловлар муддати кечиктирилганда, «Буюртмачи» кечиктирилган хар бир кун учун 0.5 % микдорида, лекин шартноманинг умумий суммасини 50% дан ошмаган микдорда пеня тўлайди.

6.3. Шартномада кўрсатилган иш ҳажмини ўз вақтида бажарилишини кечиктирилганлиги учун «Бажарувчи» кечиктирилган хар бир кун учун 0.5 % микдорида, лекин шартноманинг умумий суммасини 50% дан ошмаган микдорда пеня тўлайди.

6.4 Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

6.5 Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки бир тарафлама ўзгартириш киритишга йўл қўйилмайди.

### 7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартнома бўйича томонлар шартларни бажармаган тақдирда, жавобгар томон келтирилган моддий зарарларни қоплайди.

7.2. Томонлар ўртасида шартномани тузишда, бажарилишида, ўзгартириш ва бекор қилишда етказилган зарарларни қоплашда юзага келадиган низолар талабнома ва даъво аризаси тартибида, агарда муроасага келинмаганда Иқтисодий Суд орқали ҳал қилинади.

### 8. Коррупцияга қарши курашиш ва бошқа шартлар

8.1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора беришни таклиф қилмайдилар, товламачилик қилмайдилар, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайдилар. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига қафолат берадилар.

8.2. Икки томоннинг ўзаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган ўзгариш ва қўшимчалар қонуний кучига эга бўлади. Ўзгариш ва қўшимчалар шартномага илова қилиниши ҳам мумкин. Қилинган илова икки томоннинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт.

8.3. Бир томонлама шартномани бекор қилишга тўлов шартлари бажарилмаганлиги ва хизмат кўрсатиш тартиблари бузилганлиги асос бўлади.

8.4.Шартномада кўрсатилган маблағдан ортикча бажарилган иш ҳажмининг маблағини буюртмачи тўлаб беришни ўз зиммасига олмайди.

### 9. Форс- мажор

9.1 Агар шартнома тузилгандан сўнг икки томон ўз мажбуриятларининг табиий офатлар, сув тошқини, ёнғин, ер кимирлаш ва бошқа фавқулодда вазиятлар сабабли бажарилмаса, ҳеч қайси томон тўла ёки қисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланмайдилар.

### 10. Шартноманинг амал қилиш муддати


10.1. Мазкур шартнома руйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади.

10.2. Томонларнинг ўзаро келишувига асосан ушбу шартнома муайян муддатга узайтирилиши мумкин.

10.3. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилган бўлиб икки томон учун ҳам тенг кучга эга бўлиб банк ҳисоб-китобларини амалга оширишга асос бўлади.

### 11. Томонларнинг юридик манзили

«Бажарувчи»



«Буюртмачи»

«Уранкамёбметгеология» АЖ

МАНЗИЛ: Тошкент шаҳар Алишер навой кўчаси  
7а уй  
Х.Р. 2021 0000 8003 0599 2001

ИНН: 201407625 МФО: 01018  
ТОШКЕНТ Ш., "КАПИТАЛБАНК" АТ  
БАНКИНИНГ  
МИРЗО УЛУҒБЕК ФИЛИАЛИ



**Юрист визаси:** Мен «Уранкамёбметгеология» АЖ юристи, ушбу шартнома лойихаси амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мос келишлигини тасдиқлайман :

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2022 йил / \_\_\_\_\_ / \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

Тамбаев Т. \_\_\_\_\_